

# ТОШКЕНТ

2008 йил, 20 май, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

# ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (11.156)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР**  
**САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Universal» спорт саройида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида тўртинчи Параолимпия ўйинлари мусобақаси — махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларининг республика спартакиадаси ўтказилди.

● «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари қизгин давом этаётган айти кунларда қорақалпоғистонлик ёшлар учун замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги сузиш хавзаси фойдаланишга топширилди.

● Бугун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ўқув марказида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг Республика семинари-кенгаши ўтказилди.

● Бухоро Давлат тиббиёт институти ташаббуси билан Халқаро Морфологлар ассоциациясининг IX конгресси бўлиб ўтди. Конгресс иштирокчилари ушбу анжуман Ўзбекистон ва МДХ давлатлари илмий ҳаётида улкан воқеа эканини алоҳида таъкидладилар.

● Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Халқаро музейлар кўнига бағишлаб «Давлат ва нодавлат музейлари: тажриба, муаммо ва ечимлар» мавзусида конференция ўтказилди.

● Мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Сехрли ёғду» республика кино-фото фестивали якунланди. Фестивалнинг финал босқичида қарийб 80 нафар ўқувчи 200 га яқин фотосурат ва 60 га яқин кино асарлари билан иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги Дехқонбод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Уздунроби» алоқа компаниясининг янги алоқа антеннаси ўрнатилди. 15 километр масофада алоқа яратиш қувватига эга бу антенна олис қишлоқ аҳолисига катта қулайликлар туғдириди.

● Янгиёул туманида барча дехқончилик юмушлари компьютерлар воситасида амалга ошириладиган замонавий иссиқхона фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Туркия Тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида тузилган лойиҳа асосида барпо этилган ушбу ярим гектарлик иссиқхонада йилга 500 тоннагача помидор етиштириш мумкин.

● Каттақўрғон тумани бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан Қадан қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди. Унда тумандаги коллежларнинг битирувчи ўқувчилари, ижтимоий химояга муҳтож, ишсиз ёшлар, Қуроли Кучлар сафидан бўшган йигитлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этди. Ярмарка давомида марказга 356 нафар ишсиз фуқаро мурожаат қилган бўлса, шундан 175 нафари иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Германиянинг Бонн шаҳрида асрнинг энг катта ва узоқ давом этадиган халқаро экологик форуми бўлиб ўтди. Биологик хилма-хиллик бўйича БМТ Конвенцияси иштирокчиларининг 9-конференциясида сиёсатчи, тadbиркор ва олимлардан иборат 5 мингдан ортиқ делегат иштирок этмоқда. Тадбир 30 майгача давом этади.

● Украина Бутунжаҳон савдо ташкилотининг тўла ҳуқуқий аъзоси сифатида тан олинди. Расмий Киев ушбу халқаро клубнинг 152-аъзоси бўлиб кирди ва ташкилот таркибидagi давлатларга маҳаллий молларни ҳеч қандай тўсиқлар ва турли тўловларсиз экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

● Жанубий Корея Бош вазири Хан Син Су Боку шаҳрида озарбойжонлик ҳамкасби Артур Расизода билан иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши масалаларини муҳокама қилди. Учрашув сўнггида икки томонлама меморандум имзоланди.

● Кеча Хитойда юз берган кучли zilzila қурбонлари хотираси учун мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мотам муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб байроқлар туширилган, кўнгилочар тadbирлар бекор қилинган, Олимпиада машъаласи эстафетаси тўxtатилган.

● Нью-Йорк савдо биржаларида нефтнинг бир баррели яна янги рекорд даражасига чикди. Яъни бир баррел нефтнинг нархи 127.98 АҚШ долларига етган.

● АҚШнинг Луизиана штатида захарли кимёвий модда олиб кетаётган поезд издан чиқиб кетиб ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида захарли моддаларнинг ерга сизиши туфайли шу атрофда истикомат қилувчи 4,5 минг киши эвакуация қилинди. Ҳозирда ҳалокат оқибатлари бартараф қилинмоқда.

● Покистоннинг шимоли-ғарбидаги музофотларнинг бирида кучли портлаш содир этилди. Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Дунёга машҳур «Forbes» журналида АҚШда энг кўп даромад оладиган касб эгалари рўйхати эълон қилинди. Рўйхатга кўра биринчи ўринни анемезиолог-шифокорлар эгаллаган бўлса, кейинги ўринларни жарроҳлар ва акушер-гинекологлар банд этишди.

**МАМЛАКАТИМИЗ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ МУҲИМ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ШУ ЙИЛ 1 МАЙ КУНИ ИМЗОЛАНГАН ФАРМОНГА МУВОФИҚ, ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШГА БАРИШЛАНГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШИЛГАНИ ҲАМ БУНИНГ ЯҚҚОЛ ТАСДИҚИДИР.**

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Президентимизнинг Фармони тарихий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир, — дейди А.Саидов. — Ҳозирга қадар БМТга аъзо давлатларнинг биронтасида инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинмаган. Фармон Ўзбекистон Президентининг ўз конституциявий бурчи содиқлиги ва ваколатларига изчил ёндашганининг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Айти пайтада бу ҳужжат Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда химоя қилиш борасидаги демократик қадриятлар тимсоли бўлган гоът муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тугган бемисл ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

Декларациянинг юбилейини ўтказиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда химоя қилиш борасидаги демократик қадриятлар тимсоли бўлган гоът муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тугган бемисл ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

Декларациянинг юбилейини ўтказиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда химоя қилиш борасидаги демократик қадриятлар тимсоли бўлган гоът муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тугган бемисл ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

— Президентимизнинг Фармони инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинганлигини таъминлаш мақсадида демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга ошириладиган салмоқли ишлар тўғрисида кенг қўламада ахборот тарқатишда муҳим ўрнни тутади.

Шу жиҳатдан журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг Декларация қоидаларини кенг тарғиб этиши, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва бу борада жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда ҳуқуқий мавзуларни ёритиш ва юридик журналистикани ривожлантириш, ислохотларимизнинг моҳияти ва самаралари ҳақида жаҳон жамоатчилигига халис ҳамда ишонарли ахборотларни тақдим қилиб бориш, интернет-журналистикани такомиллаштириш, инфоэтика, яъни ахборот тўлаш ва тарқатиш одоби, унга риоя этилишига кўмаклашиш — олдимизда турган устувор вазифалардандир.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастурига қандай чора-tadbirlar амалга оширилиши мўлжалланган?


— Беш қисмдан иборат ушбу Дастурда инсон ҳуқуқлари соҳасига доир қонуничиликни янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини мониторинг қилиб бориш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини кенг ёйишга қаратилган таълим ва маърифий, шунингдек, ахборот-тарғибот таъминоти бўйича тadbirlar қўзда тутилган. Ушбу тadbirlarни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этади.

— Фармонда белгилаб берилган вазифалар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?

— Эътиборли жиҳати шундаки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган тadbirlar ҳақида кўрсатилган мажбуриятларга барча жаҳонда эришаётган улкан ютуқлари билан жавоб бермоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

## НУКУСДА РЕСПУБЛИКА «БАРКАМОЛ АВЛОД — 2008» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА



Истиқлол йилларида мамлакатимизда жасур ва иродали, ҳар томонлама билимли, Ватани ва халқига садоқатли янги ёш авлод ўсиб-ўлғайди. Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган буюк ишларни муносиб давом эттиришга қодир, соғлом, маънавияти юксак, баркамол ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсат самараларидир. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч поғонали ноб тизим келажакка қаратилган кенг қўламли ишларнинг муҳим тарихий қисмидир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари ушбу тизимнинг асосини ташкил этади. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг узвий қисми бўлган ушбу мусобақаларни ўтказиш тажрибаси бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўрганилмоқда ва ундан амалда фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари, барча ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этадиган бундай оммавий мусобақаларни ўтказиш қўлтуғ аянана бўлиб қолди. Энг муҳими, ушбу спорт беллашувлари Ўзбекистон ёшларининг дўстлик ва бирдамлиги рамизи-

лат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

Мусобақа иштирокчилари спорт беллашувларида ҳалол, мард ва мурасиз кураш олиб боришга тантанали ваъда берадилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яратилган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш тизими самардорлигини вақтининг ўзи исботлади. Олимпиада ҳаракатлари тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган ва биринчи навбатда, ёшларга қаратилган ушбу тизим Ўзбекистон аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётди. Спорт ҳаётимизнинг муҳим ахралмас қисмига айланмоқда, одамларга барча фаолият соҳаларида меҳнат қилиш учун куч-қувват бахш этмоқда, жисмоний ва маънавий чинқиқишга кўмаклашмоқда.

Спорт инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ва танпарварлик, эл-юртга содиқлик каби фазилатларни синдиришда бекиёс аҳамиятга эга. Бугун ушбу олижаноб фазилатлар соҳиб бўлган Ўзбекистон ёшлари бутун дунёга озоодлик ва мустақиллик орузси билан ашаб, ижод қилган буюк аждодларимиз ишларининг муносиб давомчиси эканликларини намоён этмоқдалар. Президентимизнинг ёшлар ҳақида кўрсатилган мажбуриятларга барча жаҳонда эришаётган улкан ютуқлари билан жавоб бермоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат махасатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 4-бетда).

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2008 йил 28 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида учинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси чақирилади. Сессия Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлис залда бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

— Саноатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш. Ана шу мақсадда инвесторларни жалб этган ҳолда жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида.

— Тумани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Юнусобод туман ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида;

— Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказининг 2006-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисида;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича» доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида.

— Бошқа масалалар.



Жангиллар, воқеалар

Касба сатрларда

● СЕРГЕЛИ туманидаги «Ёшлик» маданият уйида БУГУН туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва урф-одатлари» деб номланди.

● БУГУН Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тadbir ва концерт дастури «Хайр мактабим» деб номланди.

● БУГУН Миробод туманидаги Фаҳрул Фулом номли маданият уйида ўтказилган «Очик дарс» тadbiri уй ҳамшираси тўғраги ташаббуси билан уюштирилди.

● КЕЧА Тошкент Ахборот технологиялари университетида талабалар ўртасида Информатика ва ахборот хавфсизлиги фани бўйича фан олимпиадаси бўлиб ўтди.

● КЕЧА «Камолот» ЕИХ қошидаги Республика «Камалот» болалар ташкилоти сардорлари иштирокида ўтказилган еттинчи анжуман «Ватанпарварлик, дўстлик, халқпарварлик» шiori доирасида ташкил этилди.

● КЕЧА Республика киночилар уйида «Россия кино кунлари» ҳафталиги доирасида ўтказилган матбуот анжуманида киноусталари, муклислар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ида ўтказилган «Очик дарс» тadbiri уй ҳамшираси тўғраги ташаббуси билан уюштирилди.

● КЕЧА Тошкент Ахборот технологиялари университетида талабалар ўртасида Информатика ва ахборот хавфсизлиги фани бўйича фан олимпиадаси бўлиб ўтди.

● КЕЧА «Камолот» ЕИХ қошидаги Республика «Камалот» болалар ташкилоти сардорлари иштирокида ўтказилган еттинчи анжуман «Ватанпарварлик, дўстлик, халқпарварлик» шiori доирасида ташкил этилди.

● КЕЧА Республика киночилар уйида «Россия кино кунлари» ҳафталиги доирасида ўтказилган матбуот анжуманида киноусталари, муклислар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).





**Мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фариди АБДУРАХИМОВА бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Маълумки, қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-этиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида жойларда бир қатор юбилей олдидан тадбирларни бошланиб кетди. Шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталарининг тарғибот гуруҳлари тузилиб, режа асосида иш олиб борилмоқда. Жумладан, режага асосан йил давомида УЗРФА тарих институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида «Тошкент тарихи — ёш олимлар тадқиқотларида» мавзусида ёш та-

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШ КЕНТИ БЎЛГАН ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТИ БУГУНГИ КУНДА ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ШАҲАРЛАР СИРАСИГА КИРИТСАК СИРА АДАШМАЙМИЗ. ЗЕРО, ЙИЛДАН ЙИЛГА ФАЙЗУ-ТАРОВАТИ ОШИБ, ЯНАДА КЎРКАМ ҚИЁФАГА КИРАЁТГАН ШАҲРИМИЗДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ ОБОДОНЧИЛИК, ЯРАТИШ, ЯНГИЛАНИШ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТИБ КЕЛМОҚДА. УЗОҚ ТАРИХИЙ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТГАН ШАҲРИМИЗ ҲАЁТИДА БУГУНГИ КУНДА КАТТА ҚЎВОНЧЛИ ВОҚЕАНИНГ ШОҲИДИ БЎЛМОҚДАМИЗ. МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЯҚИНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИгини НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ҚАЛБИНИ ҚЎВОНЧГА ТЎЛДИРДИ.**

рихчи олимларнинг илмий-амалий анжуманини ўтказиш, «Тошкент шаҳри тараққиётида аёл омили» мавзусида анжуман ҳамда «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусида фотолавҳалар танловини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий агентлиги, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан «Тошкентим-фахрим» мавзусида фотолавҳалар танловини ўтказиш, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар туманлар хотин-қизлар кўмиталари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ билан биргаликда ҳар бир маҳаллада «Маҳаллам алло-малари» мавзусида фотостендлар ташкил этиш ҳамда учрашувлар уюштириш мўлжалланмоқда. Албатта, бу каби тадбирларга ёшларни кўпроқ жалб этиш, уларнинг шаҳримиз ҳаётига оид тасавурларини бойитиш, ижодларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. «Шаҳрим тақдирини — ўз дастхатим бор» мавзусида ҳар ойда бир марта ёш ижодкор шоира ва ёзувчилар, хунармандлар, санъаткорлар иштирокида маданий-маърифий давралар ўтказилади. Шунингдек, мактабларда, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида қизлар ўртасида «Ўзбекистонимнинг энг долди ёшлар сафи ортиб бормоқда. Бундай иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларнинг санъатлари ривожига таърифу мақсадида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ ва Қизил Ярим Ой жамияти томонидан «Шаҳрим-фахрим» мавзусида ўқувчи-қизлар чизган расмлар танловини ўтказиш, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий урф-одат, қадимий анъаналаримиз ва қадриятларимизни улуғловчи «Тошкентнинг қадимий ва барҳаёт анъаналари» мавзусида алла, лапар, айтишув танловларини уюштириш, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида турли миллат хотин-қизлари иштирокида «Тошкент— дўстлик шаҳри» мавзусида фестивал ўтказиш, олий ўқув юртлири талаба қизлари ўртасида «Шаҳрим дарвозалари тарихи» мавзусида википедия кечаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Албатта, шаҳримизда оммавий спорт тадбирларига алоҳида аҳамият қарантилади. Зеро, мамлакатимизда ёшлар орасида спорт мусобақалари кенг тус олмақда. Юбилей

**Санъат**  
**ЭНГ САРА ФИЛЬМЛАР**

**ТОШКЕНТДАГИ КИНОЧИЛАР УЙИДА УЮШТИРИЛГАН РОССИЯ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ИККИ МАМЛАКАТ САНЪАТКОРЛАРИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ АНЖУМАНИГА АЙЛАНДИ.**

Россия Федерацияси Маданият ва кинематография агентлиги, «Росзарубежцентр» марказининг республикамиздаги ваколатхонаси ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан ташкиллаштирилган бу тадбир Москвалик кино усталари постановка қилган «Артистка» деган фильм билан бошланди.

Ҳафталик давомида россиялик киноусталари Самарқандда бўлиб, мухлислар билан давра суҳбатларини уюштирдилар. Янги ижодий режалар ҳам тузилди.

**«КОМПЬО» ТУРКУМИДА**

**ТАНИҚЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАСИ ВЛАДИМИР БУРМАКИН ЎЗИНИНГ РАНГ-БАРАНГ КАРТИНАЛАРИ БИЛАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИГА ЯХШИ ТАНИШ.**

Аввал хабар берганимиздек, яқинда Тошкентда уюштирилган шахсий кўргазмада расомнинг 20 дан ортиқ асарлари намойиш қилинди. Ижодкорнинг компьютер графикаси ёрдамида яратилган фотосанъатига доир асарларига эса бу экспозицияда кенг ўрин берилди.

Мазкур ўзига хос ижод намуналари «Компью» (компьютер ва фотография) деган номда босмага тайёрланмоқда.

**Замондошларимиз**

**ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР**

**БУГУНГИ КУН АЁЛИГА ТАЪРИФ БЕРАР ЭКАНМИЗ, УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ НУФУЗЛИ ЎРНИНИ ТАЪКИДЛАМАСДАН ИЛОЖИМИЗ ЙЎҚ. ЗЕРО, АЁЛ ҲАР ЖАБҲАДА ИЛГОР ВА ПЕШҚАДАМДИР. МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ, ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЮКСАЛИШИ ЙЎЛИДА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС МАВҚЕИ ВА ЎРНИ БОР. УЛАР НАИНКИ ОИЛАННИНГ ТАЯНЧИ, БАЛКИ ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ЖАМИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ УСТУНЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИЛАР.**

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Тиббиёт аълочилиси», олий тоифали анестезиолог, тиббиёт фанлари доктори, 1994 йилдан бери Тошкент шаҳар бош анестезиолог-реаниматологи, 2002 йилдан буён эса Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасининг бош шифокори, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Эльмира Боситхоновани ана шундай замонанинг илгор аёлларидан десак муболага бўлмайди. Қарийб ўттиз йилдан бери инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиб,



ли суянчи, жамият ишида эса фаол ва изланувчан шахс сифатида фаолият олиб борсин. Ўзбек аёллари ҳар ишга қодир. Уларнинг меҳру муҳаббатини, сабуру садоқатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ўз қадр қимматини билиб, қаддини баланд тутиб яшаш ҳар бир ўзбек аёлига насиб этсан...

Эльмира опа ҳам гапни айтиди, аёл ҳар томонлама илгор бўла олиши шарт. Оиланинг фариштаси ҳам рўзгорнинг саришштаси ҳам аёл ҳисобланади.

Эльмира опа асли тошкентлик. (Тошкент Давлат тиббиёт институти) ҳозирги Тиббиёт академиясини тугаллаганидан сўнг илк иш фаолиятини 1982 йилда Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникасида жарроҳликдан бошлаган. 1982 йилдан 1991 йилгача мазкур клиникада реанимация бўлимида анестезиолог-реаниматолог, реанимация бўлими мудираси, 2002 йилдан то бугунгача эса шифохонада бош шифокор лавозимида ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда 600 дан зиёд ходимларга раҳбарлик қилиб келаётган Эльмира опа наинки шифокор, балки, масъулиятли ва талабчан раҳбар ҳамдир. Ташкилотчилик имкониятлари, тиббий ва иқтисодий билимлардан фойдаланган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгилианиларни амалга оширишдек мураккаб вазифани бажаришда жамоага бошқоқ бўлмоқда. Иқтисодий, сиёсий жабҳада ҳам илгорлар сафида туриб фаолият юритаётган бу аёлга ҳар қандай таъриф камлик қилади назаримда.

— Аёл нафис ва нозик гулга ўхшайди,— дейди опа суҳбат жараёнида, — агар унга астойдил меҳр бериб парварши қилмасангиз, сўлиб, саргайиб қолади. Истардимки, бизнинг мард ўзбек эркаклари ҳеч қачон ўзалигидан кечмасин, рўзгорнинг заворлои юқини аёлнинг заифлигига елкасига ташлаб қўймасин. Аёл гулдек яшнар турсагина олам мунаввар, ҳаёт янада тотли ва ширин кечади.

Эльмира Боситхонова турмуш ўртоғи Тохир ака билан тўрт фарзанди камолига ҳам бирдек масъул. Фарзандлари ҳам ўзи каби изланувчан ва интилувчан шахс бўлиб камол топмоқдалар.

Ҳа, Эльмира Боситхонова ҳаётини, олиб бораётган ишларини ҳар қанча тарғиб қилса арзийди. Зеро жамиятимизда бу каби аёлларнинг ҳар бир босган қадами эзгулик сари йўналирилгандир.

**Гулчехра ДҮРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Тиббиёт фанлари доктори Эльмира Боситхонова иш устида.**



**— ЎҚУВЧИЛАРИМ МЕНИНГ БАХТИМ, — ДЕЙДИ МУЯССАР ОПА ШОМИРЗАЕВА. У ҚИРҚ ЙИЛДАН БУЁН ШУ МАКТАБДА РУС ТИЛИ ЎҚИТИЛАДИГАН СИНОФЛАРДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН ДАРС БЕРИБ КЕЛМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 107-ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ ОЛИЙ ТОИФАЛИ ЎҚУВЧИСИ, ХАЛҚ МАОРИФИ АЪЛОЧИСИ МУЯССАР ОПАНИ ЎҚУВЧИЛАРИ УСТОЗ МУЯССАР ҲАМИДОВНА ДЕБ ЭЪЗОЗЛАШАДИ.**

**Таълим фидойилари**  
**МАКТАБ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ**

Дарҳақиқат, ўқитувчиликнинг заҳмату машаққатларига дош бериш осон эмас. Ҳар кун унутиб, ўзалигидан кечиб туну кун ўқувчилари билан бирга бўлишдек ширин азобини тақдир тўхфаси деб қабул қилган бағрикенг Муяссар опа ўзининг қўтулғ 70 ёшида ҳам фарзандларидек бўлиб қолган — ўқувчилари даврасида.

— Очилгини айтсам, ўзбек тилига бўлган муносабат мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди, — дейди опа. — Унга давлат тили мақомининг берилиши миллий тилимизнинг обрўси, нуфузини оширган ҳам айни ҳақиқат. Илгарилари рус мактабларида ўзбек тилидан дарс бериш бироқ мушкул эди. Қизиқиш, эътибор камроқ эдимки? Мана, 17 йилдирки, фаолиятимиз мазмун-моҳияти ўзгарди. Ҳозир ўзбек тилини иштиёқ билан ўрганаётган ёшларни кўриб, кучимга куч, гайратимга гайрат қўшилгандек бўлади. Турли миллат вакилларининг ўзбек халқининг маданияти, урф-одатлари, аждодларимиз, уларнинг ижодига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Шу йил Алишер Навоий, Бобур Мирзо таваллуд қуларига бағишлаб «Ўзбек тили ва адабиёти ўн кунлиги» тадбирларини ўтказдик. Мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш, ўргатиш жиддий тайёргарликни талаб этади. Кўп адабиётлардан хабардор бўлиш керак. Мактабимизда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази бу борада ўқувчи ва ўқитувчиларнинг яқин ҳамкори.

Дарвоқе, мактабнинг ахборот-ресурс марказида шох ва шоир Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда шoir ғазаллари, ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна асарларидан қўйилган парчаларни ўзбек тилида ижро этган рус йигит-қизларининг иштиёқини кўриб, тўғриси, гурурландик.

Лена (8-синф ўқувчиси) Бобур ҳаёти ва ижоди, унинг ачқик қисмати ҳақида сўзлаб берди. Айниқса, Бобур ролин ижро этган 8-синф ўқувчиси Тарас Гончарнинг соф ўзбек тилида, ўша давр руҳида бемалол сўзлаши йилгиларда катта таассурот қолдирди.

— Тарас Гончар менин энг қобилиятли ўқувчиларимдан, — дейди Муяссар опа. — Унинг онасини ҳам ўзим ўқитганман. Шу кунги ўқувчилар ўзбек тилида сўзлашадиган эканлар, устозлари чехрасидаги мамуниятдан фахр туйғуларини зоҳир эди.

Айдар Каипов Ҳумоюн ролин, Фаррух Қўчқоров эса Шайхулислам ролин ижро этишди. Ўзбек миллий либосларида чиққан рус, татар, қозок, тожик йигитларининг самимий, дустона муносабати томошабинларга кўтаринки кайфият, баланд руҳ бағишлади.

— Муяссар Ҳамидовна жамоамизнинг энг жонқуяр, фаол ўқитувчиларидан, — дейди мактаб директори Жанна Свердловна. — У кишининг 40 йиллик бой иш тажрибаси нафақат ўқувчиларни, балки ёш ўқитувчиларимизни ҳам Ватанга муҳаббат, ўз касбига, бурчига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омили бўлмоқда. Болаларнинг юрагига йўл топа олиш учун уларни астойдил севиш, тушуна олиш керак.

— Ўқувчиларим — менин бахтим, ёш дўстларим, — дейди Муяссар опа. — Замонавий таълим тизимидаги ислохотлар замирида ёшларга ҳар томонлама шишқ, пухта таълим бериш, инсонийлик фазилатларини шакллантириш мақсади этади. Ёшларни ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишга ўргатиш эзгулик уруғларининг униб чиқишига муносиб шароит яратиш деганидир.

Муяссар опа нафақат мактабда, балки ўзи яшайдиган маҳаллада ҳам фаол. 11 минг аҳолиси, турли миллат вакиллари яшайдиган «Ватан» маҳалласида узоқ йиллар хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб ишлаган.

— Юрт юқини кўтарган хор бўлмас экан, — дейди опа. — Тўрт фарзандимнинг кенжаси икки ёшдагида умр йўлдошимдан айрилганман. Уларга ҳам отам, ҳам она бўлиш баробарида, иккинчи оиламдек бўлиб қолган жамоамдан маънавий куч-қувват олиб турдим. Ҳозир фарзандларим ҳам эл қорига яраб қолди. Қизим Муқаддасхон ҳам ўзим каби ўқувчи. Ўғлим — тадбиркор. Хуллас, айтмоқчи бўлганим, одамларга меҳр бериш, оқибат кўрсатиш ва албатта ўзининг ҳам бундай неъматларга мушарраф бўласиз.

**ЁШ РАССОМЛАРГА ЭЪТИБОР**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛАЁТГАН КЎРГАЗМАЛАРДА ЭШ РАССОМЛАР АСАРЛАРИ ҲАМ НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА.**

«Тасвирий санъат ҳафталиги»га бағишлаб ташкил этилган экспозиция эса асосан ёш истеъодлар ижодига бағишланди.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан тақдим қилинган бу расмлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Ушбу тадбир доирасида эса икки нафар ёш умидли мусавир уюшмага аъзо этиб қабул қилинди.

**Таълим**  
**ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЛАБАСИ С.ТЎРАХЎЖАЕВА ХИТОЙ ТИЛИНИ ПУХТА ЎЗЛАШТИРИБ, КУРСДОШЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ТОЛИБИ ИЛМ СИФАТИДА ЯХШИ ТАНИЛДИ.**

У олий ўқув юртида ўтказилган «Хитой кўприги» нотиклик санъати республика танловида қатнашиб, унинг голиби бўлди. Пекин шаҳрида уюштирилаётган халқаро Хитой тили олимпиадасига йўлланма билан тақдирланган бу талаба мазкур билимлар синовида ҳам голибликни қўлга киритиш орузси билан яшамоқда. Шуни айтиб ўтиш жоизки, халқаро олимпиада «Пекин—2008» халқаро ёзги олимпиадасига бағишланган ташкил этилади.

**ФИЗИКАДАН ЙИРИК МОНОГРАФИЯ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЗИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ ЙИРИК ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР МАРКАЗИ СИФАТИДА ҲАМ ТАНИЛГАН.**

Унинг аъзолари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар мактаб таълимини мазкур жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилмоқда. «Турли типдаги ўқув муассасаларида амалий физика мазмуни муаммолари» деган илмий иш эндиликда таълим жараёнига кенг татбиқ қилинмоқда. Бу тадқиқот муаллифи профессор Ботир Мирзааҳмедов бу соҳадаги излаНИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

**ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ САРҲИСОБИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОРИ ШАВКАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЙИРИК ТИЛШУНОС ОЛИМ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИНАЁТИР.**

Илм-фан соҳасидаги самарали педагогик фаолияти муносиб тақдирланиб, у «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Толмас тадқиқотчининг янги нашр этилган йирик илмий иши «Ҳозирги адабий ўзбек тили» деб номланди.

Ушбу тадқиқот бўлажак тилшунос ва адабиётшунос ёшлар учун асосий дарсликлардан бирига айланди.

**Акбар АЛИЕВ**



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**КАЙКОВУС ХИКМАТЛАР**

Халқ бировнинг маломатин қилмоқдин ва айбларин айтмоқдин бир лаҳза фориғ эмасдур.

Донишмандлар уйқуни кичик ўлим дебдурлар.

Олти нарса кишига етишса, унинг юз суратини ўзгартиради: бири дарҳол муяссар бўлгон шодлик, бири ногоҳ етишгон ғам, бири қаҳр, бири уйқу, бири мастлик ва яна бири қарилқидур.

Агар бир одамни етмиш икки соат, яъни уч кеча-кундуз жўрттага ухлатмасдин олиб юрилса, тўсатдан ўлим хавфи туғилади.

Уйқу учун кўп вақт сарф қилиб, кундузни кечага айлантормоқ хикматдин эрмасдур.

Бизларга умримизнинг кўпрогин бедорликда ўтқармак керакдур, нединким, туганмас узок уйқу олдимизда бордир.

Хар кишиким кўш чикқунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур...

Тақдир ва тadbир била яратгон озгина мол тақдирсиз ва тadbирсиз кўп молдин яхшироқдур.

Мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардин дариг тутмағил.

Исроф танҳо молнинг харжиди эрмас, балки овқатда, хулқда, сўзламақда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур.

Мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдин азиз эрмасдур.

Бугуннинг роҳати кечаги меҳнатнинг натижасидур.

Ўзгаларнинг молидин тамаъ қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан.

Кўп бандалар бўлурким кўзга кўп яхши кўриунур, аммо ақл кўзи билан боқсанг, акси зоҳир бўлур.

Баъзан одамнинг бир айбини унинг юз минг фазилати, бир фазилати юз минг иллатини яширур.

Назоқат чиройдин юқори турадур.

Хар қандай нарсанинг қадр-қиммати пулига яраша бўлур.

Сотиб олмоқ бўлсанг, касодлик вақтида сотиб ол, сотмоқчи бўлсанг, талаб қилинган вақтда сот.

Савдолашув ва сўраш — ярим савдодур.

Хонавайрон бўлмоқни тиламасанг, даромад устидин харажат қилма.

Сабр қилмоқ оқилларнинг ишидур.

Хар қандай ишда ўз фойданга бепарво бўлма, нединким, бепарволик ҳам аҳмоқликдур...

Тўрт нарса оғир фалокатдур: биринчиси — ёмон кўшни; иккинчиси — катта оила; учинчиси — жиззаки хотин; тўртинчиси — муҳтожлик.

Кўшни ҳаммадан ҳам катта ҳуқуққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаси жамоаси ушбу бошқарманинг бош мутахассиси Файзулло Турумговга падари бузруквори  
**АЛИМАХМАТ** отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг навқирон авлоди ҳар томонлама иқтидорли эканини йигит-қизларимиз нафақат таълим, илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда, балки спортда кўлга киритаётган муваффақиятлари билан ҳам исботламоқдалар. Халқимиз уларнинг Олимпия ва Осие ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардаги ғалабалари билан ҳақиқ равишда фахрланади.

Кўплаб бўлажак чемпионларнинг оммавий болалар ва ёшлар мусобақалари, шу жумладан, касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Юниор Олимпиада" деб ном олган Республика "Баркамол авлод" дебридаги иштироки уларнинг спорт қобилиятини аниқлашга ёрдам бермоқда. Бу йил мусобақалар баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, кураш, белбоғли кураш, энгил атлетика, бадий гимнастика, теннис, стол тенниси, суаши ва шахмат — спортнинг 12 тури бўйича ўтказилмоқда.

Бугун нафақат йирик шаҳарлар, балки барча туман марказлари, қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари, зарур спорт анжумалари билан тўлиқ жиҳозланган заллар мавжуд. Бу ерларда кўплаб спорт турлари бўйича секциялар ишлаб турибди, уларда маҳоратли мураббийлар машғулотлар олиб бормоқда.

Мусобақанинг дастлабки босқичларида энг кучли, чаккон ва энгил 1600 нафарга яқин ёш спортчи аниқланди. Энди улар "Баркамол авлод-2008" ўйинлари финалида медаллар учун кечадиган баҳсларда ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

...Майдонга "Баркамол авлод-2008" ўйинлари машъаласи олиб кирилди. Кучли прожекторлар хиралашиб, стадионни фақат спортчилар қўлидаги машъалалар ёритиб турибди. Анъангага кўра, ушбу машъала Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси Материалшунослик институтининг катта кўёш ўчоғидан ёндирилди ва Нукусга махсус эстафета билан олиб келинди.

Машъаладан ўт олган улкан жомда стадион узра ёрқин аланга порлайди. Уни таниқли спортчилар — кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Нодира Казокова ва кураш бўйича жаҳон чемпиони Низомиддин Хўжабоев ёқди.

Ушбу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, янги ҳаёт кураётган Ўзбекистон халқининг овозли ва истиклол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Республика "Баркамол авлод-2008" мусобақалари кўллари давомиди порлаб туради.

Мусобақаларнинг асосий қисми ўтказилаётган "Турон" спорт мажмуи халқаро стандартларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари, Нукус ва Хўжайлидаги 13 йирик спорт иншоотида ҳам мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган "Баркамол авлод-2008" белла-

шувларининг финал босқичи катнашчилари учун кизиқарли ва кўнглинчар тadbирларга бой катта маданий дастур ҳам тadbирланди. Унга кўра, таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан урчушлар, диққатга сазовор жойларга экскурсиялар, турли шоулар, концертлар ўтказилмоқда.

... Стадионга байрам мусиқа садолари остида ёш спортчилар, болалар иходий жамоалари, таниқли эстрада артистлари чиқиб келади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакиллари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этди. Бу Ватанимиз келажаги ишончли кўлларида эканини яна бир қарра исботлайди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинларининг очилиш маросиминда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анна ИВАНОВА, Зоҳир ТОШЎҲАЕВ, Аминбой ОРТИҚБОВЕВ, Ўза махсус мухбирлари Муҳаммад АМИН (Ўза) олган суратлар

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**  
**I. Аукцион савдосига «O'RTA OSIYO TRANS» ХАН ДАК томонидан компанияга қарашли, Тошкент шаҳри, Х. Абдуллаев кўчаси 54-уй манзилида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

№	Тягач русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тягач баҳоси (минг сўм)	Ярим тиркама русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тиркама баҳоси (минг сўм)	Қўшимча равишдаги ярим тиркама русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Қўшимча ярим тиркама баҳоси	Жами бошланғич баҳоси (минг сўм)
1	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АН077	1993й, техник носоз	12,000	Цельнометаллик "Когель"	10А137	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	86-77ТН	1993й, техник носоз	4,000	20,000
2	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АН094	1993й, техник носоз	12,000	Цельнометаллик "Когель"	10А402	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	10В390	1993й, техник носоз	4,000	20,000
3	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АН178	1993й, техник носоз	9,700	Цельнометаллик "Когель"	10А234	1993й, техник носоз	4,100	Цельнометаллик "Когель"	10Г 311	1993й, техник носоз	4,200	18,000
4	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО488	1993й, техник носоз	7,900	Цельнометаллик "Когель"	87-39ТН	1993й, техник носоз	3,900	Цельнометаллик "Когель"	86-52ТН	1993й, техник носоз	4,200	16,000
5	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО493	1993й, техник носоз	15,900	Цельнометаллик "Когель"	10А369	1993й, техник носоз	3,900	Цельнометаллик "Когель"	10Г 305	1993й, техник носоз	4,200	24,000
6	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АР707	1993й, техник носоз	14,000	Цельнометаллик "Когель"	10В391	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	86-59ТН	1993й, техник носоз	4,000	22,000
7	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АЕ855	1993й, техник носоз	13,000	Цельнометаллик "Когель"	10В392	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	10Г 309	1993й, техник носоз	4,000	21,000
8	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО907	1993й, техник носоз	12,200	Цельнометаллик "Когель"	10Е185	1993й, техник носоз	3,800	Цельнометаллик "Когель"	10Г 303	1993й, техник носоз	4,000	20,000
9	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО916	1993й, техник носоз	14,900	Цельнометаллик "Когель"	10Г 306	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	10Г 308	1993й, техник носоз	4,100	23,000
10	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО946	1993й, техник носоз	15,200	Цельнометаллик "Когель"	86-07ТН	1993й, техник носоз	3,800	Цельнометаллик "Когель"	10Г 307	1993й, техник носоз	4,000	23,000
11	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО955	1993й, техник носоз	12,800	Цельнометаллик "Когель"	86-11ТН	1993й, техник носоз	3,800	Цельнометаллик "Когель"	86-42ТН	1993й, техник носоз	4,400	21,000
12	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АО097	1993й, техник носоз	14,300	Цельнометаллик "Когель"	87-02ТН	1993й, техник носоз	4,000	Цельнометаллик "Когель"	86-78ТН	1993й, техник носоз	3,700	22,000
13	Мерседес-Бенц 1935 S	10АЈ590	1997й, техник носоз	11,200	Цельнометаллик "Когель"	86-44ТН	1993й, техник носоз	3,900	Цельнометаллик "Когель"	86-58ТН	1993й, техник носоз	3,900	19,000

Якка ҳолатда аукцион савдосига чиқарилаётган автотранспорт воситалари:

№	Автотранспорт русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Бошланғич баҳоси (минг сўм)
14	Ивеко М-29	50-55ТНР	1994 й, техник носоз	5,600
15	УАЗ 315142	10АS501	2002 й, техник носоз	6,000

II. Шунингдек, аукцион савдосига «O'RTA OSIYO TRANS CTL» шўъба корхонаси томонидан корхонага қарашли, Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси 54-уй манзилида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Ярим тиркама билан биргаликда жамлама сифатида аукцион савдосига чиқарилаётган автотранспорт воситалари:

№	Тягач русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тягач баҳоси (минг сўм)	Ярим тиркама русуми	Тиркама баҳоси (минг сўм)	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тиркама баҳоси (минг сўм)	Бошланғич баҳоси (минг сўм)
1	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АV681	1993й, техник носоз	10,300	Реф.совутичсиз "Когель"	4,700	15D302	1993й, техник носоз	4,700	15,000
2	Мерседес-Бенц 1838 LS	10АV680	1993й, техник носоз	11,800	Цельнометаллик "Когель"	4,200	10Е279	1993й, техник носоз	4,200	16,000

Аукцион савдоси 2008 йил 20 июнь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Автотранспорт воситалари 20 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 23, 26 июнь куни соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**  
**«UZBEKTELECOM» АК**  
**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ФИЛИАЛИ**

**Собир Раҳимов тумани аҳолисини шартнома асосида телефон ўрнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга таклиф этади:**  
— Собир Раҳимов тумани, Себзор 17/18 даҳаси, 2,4, 16, 17, 18, 19, 20, 21- уйларда яшовчи аҳоли;  
— Собир Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси, 1, 2, 3, 3-а, б, 4, 4-а, б, 5-а, б, в, 6, 7, 8, 9-а, б, в, 10-а, б, в, г, д, 11-а, б уйларда яшовчи аҳолини.  
**Телефонларни ўрнатишни расмийлаштириш Ўразбоев кўчаси, 21, 229-АТС манзилида жойлашган Собир Раҳимов телефон узелининг «Маркетинг ва мижозлар билан ишлаш бўлими»да амалга оширилади. Бўлимнинг иш вақти соат 8.00 дан 18.00 гача, шанба кунлари 15.00 гача.**  
**Телефонни ўрнатиш билан бирга Сиз АОН, пароль бўйича халқаро алоқа, чақириқни бошқа манзилга ўтказиш, будильник ҳамда бошқа қўшимча хизмат турларини ҳам расмийлаштиришингиз мумкин.**  
**Маълумотлар учун телефон: 227-87-07**  
**Собир Раҳимов телефон узели маъмурияти**

**ХЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш хар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмоқ қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий савй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самардорлигига эришишимиз мумкин.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-406

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўшларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоа оқшомдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6